Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№30 (379)
2020 йил 24 апрель, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkori@umail.uz

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни тўқимачилик саноати барқарорлигини таъминлаш, пандемиянинг соҳага таъсирини юмшатиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатида 2 мингдан зиёд корхона фаолият юритмоқда, уларда 365 минг нафар аҳоли ишлайди. Соҳанинг экспорт салоҳияти сўнгги 3 йилда 2 баравар ошди. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 1,6 миллиард долларни ташкил этди.

Лекин булар ҳали етарли эмас. Соҳада улкан резерв ва имкониятлар бор. Хусусан, юртимизда етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаб, экспортни 15 миллиард долларга етказиш ва 3 миллиондан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд.

Йиғилишда пандемия даврида тармоқни барқарор ишлатиш учун корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Жорий йил 1 апрелга қадар сотилган пахта толасининг якуний тўлов муддатини 90 кундан 150 кунга узайтиришга кўрсатма берилди.

Молия вазирлигига корхоналарнинг айланма маблағини ўзида сақлаб қолиш учун экспорт божхонада расмийлаштирилган заҳоти қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш механизмини жорий қилиш вазифаси топширилди.

Келгуси 5 йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 баробарга кўпайтириш, таннархни рақобатчиларга нисбатан арзонлаштириб, ташқи бозорларни эгаллаш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириб, сифатини кескин ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, хорижий компаниялар билан биргаликда йирик экспорт корхоналари ташкил этиб, таниқли брендлар асосида бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан кўрсатма берилди.

Шу мақсадда Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида тайёр маҳсулот экспорт қилувчи янги корхоналар учун технопарк ташкил этилади. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан кредит линияси доирасида 300 миллион доллар маблағ ажратилади.

Йиғилишда хомашё етиштириш ва ишлаб чиқариш занжирида таннархни камайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда йиллар давомида пахта толасининг ўзи экспорт қилингани учун унинг нархи Ливерпуль котировкасига боғланган эди. Аслида пахта толаси Нью-Йорк биржасида сотилади ва унинг нархи Ливерпулникидан 10 фоизга арзон юради.

Бу тўқимачилик маҳсулотлари қиймати ошишига таъсир қилаётгани қайд этилиб, мутасаддиларга пахта толаси нархини халқаро биржа котировкасига ўтказиш юзасидан топшириқ берилди.

Йиғилишда тўқимачилик корхоналарининг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шароит яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Бу соҳадаги тайёр маҳсулотларимиз экспорти асосан минтақа бозорига боғланиб қолган. Экспортёрлар Европага кириши учун 15 фоиз бож тўлаш ва 4 баравар кўп транспорт харажати қилишга мажбур бўлмоқда.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига Европа Иттифоқи бозорлари учун «GSP+» мақомини олиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси кўмагида маҳсулотларни «BSI» стандартлари асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш кераклиги таъкидланди. Экспортёрлар харажатларини субсидия қилишни янада кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА.**

## БУГУНГИ СОНДА:



Саноат корхоналари фаолияти янада кенгайтирилади, ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК БЕРИЛАДИ 2



ҚУРИЛИШ САНОАТИ – пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивига айланади 3



Қурилиш объектлари учун тендер савдолари 4-5

## Абадиятга дахлдор ишлар

**Дунёни таҳликага солиб, давлатларнинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган ҳозирги вазиятда республикамизда аҳолининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.**













Таъкидлаш керакки, вақтинча ишсизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда фаолият юритаётган турли соҳадаги тадбиркорларнинг ҳудудлардаги вақтинчалик иш билан таъминлаш марказлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Аҳолининг энг кўп қатламини эгаллайдиган қурувчилар мисолида кўрадиган бўлсак, улар Давлат дастурлари ижроси доирасидаги қурилишлар, ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида меҳнат қилиб даромадга эга бўлишмоқда.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган энг катта муаммолардан бири – коронавирус оқибатида йўқотилган иш ўринларини тиклаш, мавжудларини сақлаб қолиш республикамизни ҳам четлаб ўтмаган. Пандемия мамлакатлар иқтисодиётига қанчалик зарар етказмасин, ҳаёт давом этаверади. Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофазага олган тақдирда ҳам, иш жойига эга аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашда мушкулликлар келиб чиқиши, табиий. Шу сабабли имкон қадар, карантин қоидаларига риоя этган ҳолда ишни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги аён бўлиб бормоқда.

Президентимиз томонидан куни кеча ўтказилган саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоелектор йиғилишида ҳам бу ҳақда тўхталиб ўтилди. Аҳоли бандлиги ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида катта имкониятларга эга «драйвер»лардан бири қурилиш соҳаси ҳисобланади.

*(Давоми 6-бетда)*

МУНОСАБАТ

## Кўпдан қуён қочиб қутулмас

**Халқ – қудратли куч. Халқ бир бурдадан йиғиб бўлса ҳам очнаҳор қатламни едириб-ичириб, кийинтира олади. Айниқса, эл учун оғир, машаққатли ва синовли кунларда халқнинг саховатпешалиги, инсонпарварлиги, меҳр-оқибати янада яққолроқ намоён бўлади. Оқсоч тарих бундай воқеликларга кўп гувоҳ бўлган.**

Яқин ўтмишга мурожаат қилсак ҳам, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги мудҳиш очарчилик йилларида Тошкент, демакки бутун Ўзбекистон хориждаги минг-минглаб оч одамлар учун нон шаҳрига айланганини эсласак бўлади. Ёхуд, иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг бағрикенглиги, болапарварлиги, бир майизни муҳтожлар билан қирқ бўлиб ейиши тилларда афсоналарга айланмадими...

Ғурур билан эътироф этамиз, меҳр-саховат, оқибат, ҳиммат, инсонпарварлик халқимизга доимий эш бўлиб келаётган бебаҳо фазилатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ўтказган видеоселекторда бошқа дорлзарб масалалар қатори аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди ва халқимизнинг тарихий, маънавий қадриятларини ҳисобга олган ҳолда, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намоёнига айланишига ишонаман!», дея таъкидлаб ўтди Президент.

Саховат ва кўмак. Бугунги синов даврида кун тартибига кўтарилган энг муҳим масалалардан бири.

Атрофга қарайлик. Вақтинча ишламаётган, иш жойидан таътилга чиқарилган ёрдамга муҳтож фуқаролар, оилалар қанчадан-қанча. Бундай муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, керакли дори-дармонлар билан манзилли таъминлаш зарур. Бу эзгу мақсад йўлида бирлашсак, албатта, ўзамиз.

Шукрки, элимизда саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар кўп. Бугунги оғир шароитда эҳтиёжманд юртдошларимизга беғараз кўмак қўлини чўзаётган инсонлар керагича топилади. Улар ўз ёрдамларини кўз-кўзламаяптилар, кўп ҳолларда бундай яхшиликлар пинҳона қилинмоқда. Аммо халқ барибир ўз қаҳрамонларини билади, танийди. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, ҳали бундай замонамиз қаҳрамонлари ҳақида китоблар ёзилади, шеърлар битилади.

Шундай шароитда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилганлигида ҳам рамзий маъно бор. Биз сахотвапеша, матонатли, улуғ халқмиз. Биз бугун кўринмас душман – коронавирусга қарши жанг олиб бормоқдамиз. Бу жангнинг қаҳрамони – бутун халқ бўлиб қолажак!

**Дилшод ҲАМЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№30 (379) 2020 йил 24 апрель

# Халқимиз розилигини олишга муяссар бўламиз

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йилнинг 18 апрель куни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилиб, қисқа фурсатда самарали фаолият юритаётган уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилди, соҳада таркибий ислоҳотлар изчил амалга ошурила бошланди.**

**Соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган мутлақо янги марказлашган бошқарув тизими жорий этилди. Биз ўтган давр мобайнида соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил билиш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги матбуот котиби Алипаша Аҳмедов билан суҳбатда бўлдик.**

**– Вазирлик уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги юзага келган долзарб муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳолини замонавий ва сифатли коммунал хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида ташкил этилди. Хўш, унинг асосий фаолият йўналишлари бугунги кунда нималардан иборат?**

– Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кўплаб муаммолар бор эди, бу эса юртдошларимизнинг ушбу хизматдан норозилигига олиб келаётганди. Айнан мазкур масалаларни бартараф этиш мақсадида мутлақо янги марказлашган бошқарув тизимининг жорий этилгани ғояда катта воқеликлардан бири бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди. Бугунги кунда вазирликнинг асосий йўналишларидан бири кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини комплекс ривожлантириш ва такомиллаштириш, кўп хонадонли уй-жойларнинг техник ҳолатини тубдан яхшилаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур шароитлар яратишдан иборатдир. Бундан ташқари, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш, истеъмолчилар учун ҳамма жойда сифатли ичимлик суви етказиб берилишига эришиш, республикада сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш ҳам вазирлик олдидаги муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараёнда, айниқса, иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

**– Бугунги кунда тизимда қанча ходимлар аҳолининг коммунал хизмати борасидаги муаммоларини ҳал этишга бел боғлаган?**

– Бугунги кунда тармоқда 150 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда 30 мингдан ортиқ ишчи ва ходимлар республика аҳолисининг хизматида бўлиб, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хонадонларга тоза ичимлик сувини етказиш, оқава сув хизматларини кўрсатиш, кўп квартирали уйларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш ва қулай яшаш шароитларини яратиш, уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш борасида фаолият юритиб келмоқдалар. Бугунги кунда ҳам соҳада фаолият юритаётган минглаб ишчи-ходимлар давлатимиз томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб, карантин шароитида санитария-гигиена қоидаларига амал қилишда ўта муҳим бўлган тоза ичимлик ва иссиқ сувни аҳолига етказиш учун меҳнат қилишмоқда. Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида аҳоли хонадонларига ва тиббиёт муассасаларга, айниқса махсус карантин объектларига узлуксиз тоза ичимлик сув етказиб бериш, кўп квартирали уйларни иссиқ сув билан таъминлаш, уйларни ва уйларга туташ ҳудудларни дезинфекциялаш тадбирларини мунтазам равишда амалга ошириш учун вазирлик таркибидаги ҳудудий бошқармалар, сув таъминоти ва иссиқлик таъминоти ташкилотлари, вазирлик тизимидаги барча диспетчерлик ва авария хизматлари кучайтирилган иш режимида фаолияти йўлга қўйилган.

**– Сир эмас, кейинги уч йил давомида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳани ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳамиша Давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиши ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши туфайли уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси чуқур ислоҳ қилинди, аҳолини тоза ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти сифатини сезиларли даражада оширишга, кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришга эришилди, шундай эмасми?**

– 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида соҳадаги мавжуд муаммолар, фуқаролар мурожаатлари, фикр-мулоҳаза ва таклифлари атрофлича ўрганилиб, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва кўп квартирали уйларни бошқариш соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва 3 та қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга асосан ичимлик сув таъминоти соҳасида мутлақо янги корпоратив бошқарув тизими жорий этилди. Вазирлик тизимидаги сув таъминоти давлат унитар корхоналари негизида «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти ва «Ҳудудий сув таъминоти» масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

**– Республикамизда илк бор Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш ва ягона сув балансини шакллантириш бўйича вазирликка юклатилган янги вазифалар қай даражада амалга ошириб келинмоқда?**

– Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш, ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш, аҳолини иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш сифати ва даражасини яхшилаш чора-тадбирлари белгилаб олинди ва изчил амалга оширилмоқда. «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга татбиқ этиш бўйича 2020 йил 1 майга қадар бўлган муддатда Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кўп квартирали уйларни бошқаришда ушбу Қонун нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказилмоқда.

**– Айтингчи, соҳадаги ислоҳотлар самарасини яна нималарда кўриш мумкин?**

– Таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳолига замонавий ва сифатли коммунал хизмат кўрсатиш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг кенг кўламдаги ижросини бу борада қабул қилинган Давлат дастурлари, Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган вазифа ва топшириқлар ижроси бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларда кўришимиз мумкин. Масалан, аҳолини ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2017 йилдаги 64,5 фоиздан 2020 йил 1 январь ҳолатига 70 фоизга кўтарилишига эришилди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 2,6 трлн сўм маблағ ажратилди, 1 200 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди, 700 дан ортиқ аҳоли пунктлари марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланди. 1 млн 457 минг нафардан ортиқ аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Халқаро молия институтлари ҳамкорлигидаги 10 та йирик лойиҳалар доирасида 222,14 млн АҚШ долларига яқин кредит маблағлари ўзлаштирилди. Иссиқлик таъминоти соҳасини ривожлантириш натижасида қўшимча 550 тадан ортиқ кўп квартирали уйлар иссиқлик энергияси билан таъминланди. Илк бор Халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилди. Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг Сергели туманида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш учун Жаҳон банки иштирокида 220,7 млн АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2017-2019 йиллар мобайнида 22 782 та уйлар жорий ва капитал таъмирланди, бу кўрсаткич умумий кўп квартирали уй-жой фондининг 66 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, соҳамиз фаолиятига нисбатан аҳолимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, иссиқлик таъминоти даражасини ошириш, канализация хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, кўп квартирали уйларда қулай яшаш шароитларини яратиш бўйича 2020 йил ва келгуси йилларга олдимизда долзарб вазифалар турибди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва бошқа бир қатор йиғилишлардаги маърузаларида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш, «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида вазирлигимизга белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Шу каби ўта долзарб ва ҳаётий муҳим вазифаларни амалга ошириш бугун уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг тизимида фаолият юритаётган барча раҳбар ва ишчи-ходимлар зиммасида. Соҳада меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимларнинг бор билим ва тажрибаси, куч ва имкониятларини сафарбар этиб, олдимизда турган вазифаларни шараф билан бажарамиз ва меҳнатимизнинг энг юксак баҳоси бўлмиш – кўрсатилаётган уй-жой коммунал хизматлар учун халқимизнинг розилигини олишга муяссар бўламиз.

**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири**
**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА**
**суҳбатлашди.**

# Хайринисо опанинг хайрли ишлари

**Кўп хонадонли уй-жой мажмуасини бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳамиша долзарб мавзу ҳисобланади. Аҳолига кафолатли, сифатли коммунал хизмати кўрсатиш тизими иншоот соҳибларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганлиги ҳақиқат. Яхшиямки, юрагида ўти бор, шижоатли кишиларимиз бор эканки, мазкур соҳа ҳам ўз ривожу равнақини топиб боряпти.**



1997 йилда қурилиш-кооператив ташкилотини ташкил этган Хайринисо Шатанова ана шундайлардан бири сифатида эл дардига малҳам топиш, хонадонларни таъмирлаш-тиклашдек хайрли ва савоб иш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

2006 йилда «Самарқанд олтин аср» профессионал бошқарув ташкилотига асос солингач, айниқса тадбиркор аёлнинг ҳаётида бу масала чинакам юқори поғонага кўтарилди. У илгари мактаб, мактабгача таълим муассасаси, шифохона каби объектларни қуришда қатнашиб, етарли малака ва тажриба тўплаган эмасми, уй-жойларни таъмирлаш юмуши у қадар қийинчилик туғдирмади. Корхонага ўзи сингари мутахассис усталар, қўли гул бинокорларни жалб этгани боис, дастлабки фаолияти пайтидаёқ муваффақиятларга эришиш бошланди. Самарқанд шаҳар ҳокимияти, жамоатчилик ва аҳоли улар меҳнатидан мамнун бўлаётганини яширмадилар. Бу ишонч эса ўз навбатида таъмирловчиларни янги ютуқлар сари чорлади.

2008 йилдан эътиборан жамоа аъзолари меҳнати ва ёрдамига эҳтиёж кескин ўсди. Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси, молия бўлими, уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан буюртмаларни вақтида, сифатли бажариш улардан катта масъулият талаб этарди, албатта. Қаерда интизом ва тартиб ҳукм сурса, режалар, топшириқларни уддалаш қийинчилик туғдирмас экан. «Олтин аср»ликлар қисқа фурсат ичида 46 та уй-жойнинг коммуникация тармоғи, ертўласи, ички муҳандислик тармоқларини намунали даражада таъмирлаб, уйларга туташ ҳудудларнинг санитария-гигиена меъёрларини яхшилаб, ободонлаштириб олқиш қозондилар.

Ўша вақтда Япония ҳукумати томонидан ажратилган 1 600 000 АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағи ҳам шаҳардаги хонадонларни таъмирига йўналтирилгани бу борадаги муаммоларнинг анчагина камайишига замин яратди. Муҳими, жамоа «кам харажат эвазига сифатли хизмат кўрсатиш»ни ўзларига шиор қилиб олиб, янада дадил одимлашда давом этдилар.

Айни пайтда ширкат шаҳардаги 274 та кўп қаватли уйга ўз хизматини кўрсатмоқда. Янги қурилган уй-жойларни қўшиб олиш, қамровни янада кенгайтириш ҳам улар эътиборидан четда қолмаган. Опанинг фарзандлари – олий маълумотли ҳисобчи. Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтини битирган Жавлонбек ва Ситора ҳам шу соҳа этагини тутиб, эл корига ярай бошладилар.

– Ҳукуматимиз кўп қаватли уйларни бошқаришга катта эътибор бераётгани бежиз эмас, – дейди Хайринисо Абсалямовна. – Айни пайтда бу соҳани ривожлантириш, қатъий тартибга солиш бўйича қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Чет мамлакатларнинг илғор тажрибаси ва замон талабларига мос тушадиган янги усуллар қўлланиляпти. Бошқарувнинг шаффофлиги, уй-жой эгалари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгиланиши фуқароларнинг умумий мулкка нисбатан боқимандалик кайфиятига барҳам беради. Қолаверса, бу бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклашига шак-шубҳа йўқ. Шундай экан, биз бир четда турмай, юртни обод қилиш, хонадонларга файз бағишлашдек шарафли меҳнатимизни аямаймиз.

Ҳа, фаровонликка ҳисса қўшиш, юрт ободлиги, Ватан равнақи йўлида жон койитиш Хайринисо опанинг қон-қонига сингиб кетган. Унинг хайрли ишлари давлатимиз, вилоят, шаҳар раҳбарлари томонидан доимо эътироф этилиб, муносиб тақдирлангани ҳам бежиз эмас.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori»**
**мухбири.**

**Короновирус пандемияси оқибатларини юмшатишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5969 ва ПФ-5978-сонли фармонлари ижросини таъминлаш борасида қурилиш материаллари саноатида ҳам бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан ҳудудларда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишсизлик ва камбағалликни олдини олиш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида саноат корхоналар фаолияти тўхтатилмади.**

# Саноат корхоналари фаолияти янада кенгайтирилади, ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК БЕРИЛАДИ

Маълумотларга кўра, «Кварц» АЖ, «Қизилқумцемент» АЖ, «Бекободцемент» АЖ, «Оҳангаронцемент» АЖ, «Қувасойцемент» АЖ, «Кнауф гипс Бухоро» МЧЖ каби корхоналар карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни давом эттиришмоқда. Барча ишчи-ходимлар тиббий ҳимоя ниқоблари билан таъминланган бўлиб, уларнинг тана ҳарорати мунтазам назорат қилиб бориляпти. Эътиборли жиҳати, карантин вақтида тармоқ корхоналаридаги мавжуд қувватлар, печлар, тегирмонлар ишлаб чиқариш ҳажми камайтирилмаган ҳолда таъмирдан чиқарилди.

Соҳанинг бугунги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, карантин даврида цемент заводларида ярим тайёр маҳсулот цемент клинкерини ишлаб чиқариш кўпайтирилганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, қурилиш ойнаси ва керамик плитка ишлаб чиқарувчи корхоналар янги қурилиш мавсуми учун тайёр маҳсулотлар захирасини яратишди. Бугунги кунда амалга оширилаётган қурилиш ишларида ушбу маҳсулотларга бўлган талаб янада ортмоқда.

– Карантин пайтида Ҳукумат комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация кўмагида пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб олиниб, амалга оширилмоқда, – деди биз билан суҳбатда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси матбуот котиби Жамшид Шерматов. – Жумладан, тармоқ корхоналарининг кредитларини тўлаш муддатлари узайтирилиб, корхоналарга айланма маблағ учун қўшимча кредитлар ажратилди. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ишга туширишни жадаллаштириш мақсадида хориждан келтирилган ускуналарни ўрнатиш учун хорижий мутахассисларни чартер рейслар билан республикага олиб келиниши йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат, тадбиркорларимизнинг эркин ва қонун доирасида фаолият юритишлари мақсадида уларга бир қатор имтиёзлар яратилган. Буни биз коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли фармонига асосан 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, юридик шахслар томонидан газ ва электр энергияси бўйича олдиндан ҳақ тўлаш тўғрисидаги талаб 30 фоизгача пасайтирилгани ҳам ана шундай эзгу ишлардан навбатдагисидир.

Айтиш лозимки, давлатимиз томонидан яратилган бундай имкониятлар тадбиркорларга ўз фаолиятларини янада ривожлантириш, иқтисодий муаммоларга дуч келмаслиги учун қўшимча кўмак бўлмоқда.

– Республикада кейинги 3,5 йилда амалга оширилган лойиҳалар натижасида, бугунги кунда керамик плитка, гипсокартон, шифер, цемент, оҳак, базальт арматураси, темир-бетон маҳсулотлари, безакли ойна, деворбоп ва норуда материаллар каби асосий турдаги қурилиш материаллари бўйича ички талабни тўлиқ қоплаш ва экспортга ушбу маҳсулотларни сотиш имконига эга бўлган ишлаб чиқариш қувватлари яратилган, – дейди Жамшид Шерматов. – Асосий турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланилаётгани ва энергия тежамкор технологиялар ишлатилиши ҳисобига қурилиш материалларининг таннархи барқарорлиги таъминланмоқда. Короновирус пандемияси таъсирига қарамасдан, жорий йилнинг 1 чорагида 3,2 трлн сўмлик (2019 йилнинг 1 чорагига нисбатан 80 млрд сўмга кўп), уюшма бўйича 1,09 трлн сўмни (мос равишда 147 млрд сўмга кўп) маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Соҳа бўйича жорий йилда 42,8 млн долларлик экспорт (ўтган йилга нисбатан 4,6 бараварга кўп) амалга оширилди. Инвестиция дастури бўйича 94 лойиҳа бўйича жами 217,8 млн АҚШ доллари, шундан 196,6 млн АҚШ доллари хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига, жумладан, уюшма бўйича 17 та лойиҳа бўйича жами 39,1 млн АҚШ доллари, шундан 35,3 млн АҚШ доллари хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига ўзлаштирилди. Шу билан бирга, «Оҳангаронцемент» АЖда янги цемент заводининг қурилиш ишлари бўйича қўшимча 30 млн АҚШ долларидан ортиқ инвестиция ўзлаштирилган, натижада «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бўйича режа ортиғи билан бажарилди. Бундан ташқари, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида 1 339 та лойиҳалар бўйича 2,5 трлн сўмлик инвестиция ўзлаштирилди.

***Маълумот учун:*** 2020 йил июнь ойида Тошкент вилоятида «Ист майнинг» корхонасида 500 минг куб метр, «Ecoton sharq» хорижий корхонасида 300 минг куб метр ва «Алижон» корхонасида 100 минг куб метр газобетон блоклари, «Сурхонтаъмирбутлаш» жамиятида 45 минг куб метр қамишдан ДСП, Фарғона вилоятида «Экокерама» жамиятида 150 минг дона санфаянс, «Самарқанд Афросиёб Цемент» МЧЖда 560 минг тонна юқори маркали цемент ҳамда Самарқанд вилоятида «Sogda Granit Stones» жамиятида 2,5 минг куб метр гранит ва мармар тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш каби лойиҳалар ишга туширилмоқда.

Тармоқда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш I яримйилликда 10 трлн сўмни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 трлн сўмга кўп), шу жумладан, апрель ойида 1,2 трлн сўмни ташкил этади. Шунингдек, цемент 6,1 млн тонна (шу жумладан, апрелда 1,2 млн тонна), қурилиш ойнаси 8,1 млн квадрат метр (шу жумладан, апрелда 1,3 млн квадрат метр), гипсокартон 23,6 млн квадрат метр (шу жумладан, апрелда 4 млн квадрат метр), обой 841 минг ўрам (шу жумладан, апрелда 140 минг ўрам) ишлаб чиқарилади. Керамик плиталар ишлаб чиқариш ҳажмини 18 миллион квадрат метрга етказиш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Жорий йил якунига қадар уюшма томонидан яна қандай инвестицион лойиҳалар амалга оширилаётгани албатта кўпчиликни қизиқтириши табиий. Инвестиция дастурига кўра умумий қиймати 282,2 млн АҚШ доллари бўлган 9 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган, – дейди суҳбатдошимиз. – Жумладан, декабрь ойида «Оҳангаронцемент» АЖда 2,4 млн тонна бўлган цемент ва инновацион бетон ишлаб чиқариш кластерини (160 млн АҚШ доллари), «Кварц» АЖда 22 млн квадрат метрлик флоат ойна (70,2 млн АҚШ доллари), «Мўйноқ ЛДСП» МЧЖда 50 минг куб метр ДСП (8 млн АҚШ доллари), «Тошкент темир-бетон ва уй қурилиш комбинати» корхонасида 120 минг куб метр темир бетон уй-қурилиш конструкциялари (20 млн АҚШ доллари), «Сурхон КСП Гранд» МЧЖда 150 минг куб метр ДСП (9 млн АҚШ доллари), «Урганч қурилиш материаллари» МЧЖда 100 минг куб метр газобетон блоклари (2,5 млн АҚШ доллари), «Оравит керамикс» МЧЖда 48 минг дона сантехника маҳсулотлари (1,6 млн АҚШ доллари) «Бекободцемент» АЖда 500 минг тонна цемент (10 млн АҚШ доллари) «Бухорогипс» МЧЖ ҚҚда 160 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмаси (800 минг АҚШ доллари) ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилади.

2020 йил I ярим йилликда 240,6 млрд сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, ушбу режа кўрсаткичларини 100,0 фоиз бажариш кутилмоқда. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг ҳажми ва техник параметрларини «cooperation.uz» электрон кооперация порталига жойлаштириш, доимий янгилаб бориш ҳамда ташкил қилинадиган ярмарка ва кўргазмалар орқали кооперация алоқаларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ушбу порталда ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулотлар харидорлари ўртасида тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имконига эгадирлар. Жорий йилнинг апрель ҳолатига кўра порталда аъзо ташкилотлар томонидан маҳсулотлар сотиб етказиб беришга 97,5 млрд сўмлик 161 та шартнома ва турли маҳсулотлар сотиб олиш учун 12,4 млрд сўмлик 415 та шартномалар имзоланган.

Албатта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан истеъмолга чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига ҳам катта эътибор қаратилиб, бу назорат остига олинган. Мазкур жараёнда тегишли ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. 2019 йилда «Ўзстандарт» агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда жами 340 та қурилиш материалини ишлаб чиқариш бўйича халқаро стандартлар қабул қилинди. 2020 йилда 542 та халқаро стандартларни қабул қилиш бўйича ишлар ниҳоясига етказилади.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# ҚУРИЛИШ САНОАТИ –

## пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивига айланади

**Қурилиш саноати иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш борасида катта имкониятларга эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Боиси, қурилиш соҳаси кўплаб саноат тармоқлари учун талаб яратади. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг ҳисоб-китобларига кўра, қурилиш соҳасининг иқтисодиёт учун мултипликатор самарадорлиги 1,8 га тенг.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 20 апрель куни саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилишда таъкидлаганидек, қурилиш саноати коронавирус пандемияси таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш борасида катта имкониятларга эга бўлган «драйвер» соҳалардан бири ҳисобланади.**

**Шундай экан, қурилиш соҳасининг бугунги кундаги тенденциялари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни, пандемия шароитида соҳани қўллаб-қувватлаш йўналишлари ва кутилаётган натижалар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.**

### Қурилиш саноати ривожланишининг глобал тенденциялари

Қурилиш саноати глобал иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Қурилишга киритиладиган инвестициялар қисқа муддатда янги иш ўринларини очишга ёрдам берса, ўрта ва узоқ муддатда эса қуриб фойдаланишга топширилган инфратузилмавий объектлар транспорт харажатларини қисқартиради, одамлар ҳаётини яхшилайди ва энг муҳими иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиради.

### Коронавируснинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири: Ўзбекистон учун хулоса ва тавсиялар

Вируснинг кенг тарқалиши натижасида жорий йил дунё иқтисодиётида фаоллик пасайиб, қурилиш соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Research and Markets' таҳлил институтининг сўнгги тахминларига кўра, 2020 йилда глобал қурилиш соҳасида ўсиш йил бошида кутилган 3,1 фоиздан 0,5 фоизга пасайиши кутилмоқда. Узоқ муддатда эса қурилиш соҳаси дунё иқтисодини ҳаракатга келтирувчи соҳа сифатида ўз ўрнини сақлаб қолади. PricewaterhouseCoopers компаниясининг маълум қилишича, 2030 йилга келиб дунё миқёсида қурилиш саноати умумий миқдорда 85 фоизга ўсиб, унинг ҳажми 17,5 трлн АҚШ долларига етади.

Шунингдек, дунё бўйича инфраструктура лойиҳаларини молиялаштиришда давлатнинг роли сақланиб қолади. Ўтган йилларда жаҳон мамлакатлари давлат сектори инвестицияларининг 70-80 фоиз айнан қурилиш соҳасига тўғри келган. Бундан ташқари, қурилиш норматив талабларини бажарилишини назорат қилиш орқали давлат мазкур соҳани тартибга солишда ҳам муҳим рол ўйнайди.

### Қурилиш саноати ва иқтисодий ривожланиш

Кўплаб давлатлар мисолида ўтказилган эпирик тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, қурилиш соҳаси ва иқтисодий ривожланиш ўртасида кучли боғлиқлик мавжуд. Машина ёки ишлаб чиқариш воситаларига киритиладиган инвестициялар билан бирга, қурилиш соҳаси орқали амалга оширилувчи инфратузилмавий лойиҳалар – йўлларнинг қурилиши, электрэнергия билан таъминлаш, коммуникация воситаларининг барпо этилиши узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлайди. Бў йўналишдаги дастлабки тадқиқот 1969 йилда Д. Турин томонидан ўтказилган бўлиб, унда 87 та давлатнинг иқтисодий ўсиши ва мазкур давлатларда қурилиш соҳасига киритилган инвестициялар ўртасида кучли чизиқли боғлиқлик аниқланган. Яъни, қурилиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг ортиши билан жон бошига Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ҳам кузатилган. Мазкур боғлиқлик, шунингдек, Страссман (1970), Веллс (1986) ва Жаҳон банкининг (1994) тадқиқотларида ҳам ўз тасдиғини топган.

### Ўзбекистон иқтисодиётида қурилиш саноатининг роли

Қурилиш саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида миллий иқтисодиёт тармоқлари орасида барқарор ўсиш суръатларини қайд этаётган соҳалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида бино ва иншоотлар, янги саноат объектларини барпо этиш, темир йўл ва автомобиль, турар жойлар қуришни жаддалаштириш бўйича қурилиш саноатига иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч – локомотиви сифатида алоҳида урғу берилган.

Турар жой мажмуаларини, ижтимоий соҳа ва муҳандислик инфратузилма объектларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, шунингдек, саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида қурилиш ишлари ҳажми 2018 йил билан таққослаганда 19,0 фоизга ўсди. Қурилиш тармоғининг ЯИМ ўсишидаги ижобий ҳиссаси 1,0 фоиз бандни ташкил қилди.

**1-расм. Қурилиш саноатининг ўсиш суръати ва унинг ЯИМдаги улуши динамикаси**




*Манба: Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.*

Шунингдек, унинг ЯИМдаги улуши ҳам 2017 йилдаги 5,7 фоиздан 2019 йилда 6,4 фоизга етди (1-расм). Мазкур ҳолатни кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ҳам кузатиш мумкин (2-расм).

**2-расм. Айрим давлатлар қурилиш саноатининг ЯИМдаги улуши (2018йил)**




*Манба: Жаҳон банки маълумотлари*

Қурилиш саноатидаги ўсиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар учун капитал қўйилмалар ҳажмининг ортиши билан боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистонда 2019 йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 21,5 млрд АҚШ доллари ёки 2018 йилга нисбатан 133,9 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, қурилиш ишлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга олиб келди.

### Қурилиш соҳаси – иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш кафолати

Маълумки, пандемиянинг тарқалиши ортидан бутун дунё давлатлари иқтисодий инқирозга юз тутмоқда. Глобал ҳамжамиятнинг бир бўғини сифатида глобал инқирознинг салбий таъсири Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмайди. Халқаро валюта жамғармасининг маълум қилишича, пандемия натижасида глобал иқтисодиёт бу йил 3,0 фоизга пастлаши кутилмоқда.

Шунингдек, дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатлари иқтисодиётида пасайиш содир бўлади. Мана шундай кўламдаги инқирознинг содир бўлишига қарамай, халқаро молиявий ташкилотлар 2020 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида паст бўлсада ўсиш кузатилишини прогноз қилмоқда (3-расм). Кейинги йилда эса иқтисодий ўсиш ўзининг инқироздан олдинги трендига қайтади.

### Давлат раҳбари карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш чораларини кўриш бўйича топшириқ берди

Бундай ижобий кўрсаткичларга эришишда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чораларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши талаб этилади. Шу мақсадда, ҳукумат томонидан қурилиш соҳасига инқирознинг салбий таъсирини юмшатувчи ва иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий соҳа сифатида қаралмоқда.

Қурилиш саноати иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш борасида катта имкониятларга эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Боиси, қурилиш соҳаси кўплаб саноат тармоқлари учун талаб яратади. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг ҳисоб-китобларига кўра, қурилиш соҳасининг иқтисодиёт учун мултипликатор самарадорлиги 1,8 га тенг. Яъни қурилиш соҳасига киритилган 1 бирлик инвестиция ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,8 га кўпайтирилади. Шунингдек, бу соҳада 1 млн 325 минг нафар аҳоли иш билан банд.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши қурилиш ишларини камайтириши, бу эса, ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талабнинг пасайишига ва ишсизлик миқдорини кўпайишига олиб келади. Шу сабабли, карантин даврида қурилиш ҳажмлари камайишига йўл қўймаслик ва соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5969-сонли фармони билан қурилиш соҳасига қўшимча 3,6 триллион сўм маблағ ажратилди.

**3-расм. Ўзбекистон: 2020-2021 йиллар учун иқтисодий ўсиш прогнозлари**




*Манба: Жаҳон банки, Ҳалқаро валюта фонди, Fitch' агентлиги ҳисоботлари*

Шу мақсадда, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қурилиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш борасида аниқ ечим ва йўналишлар кўрсатиб берилди. Мазкур чора-тадбирлар қурилиш саноатининг учта энг йирик тармоқлари – қурилиш ишлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқиш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилишини қамраб олади.

### Қурилиш ишлари қандай жадаллаштирилади?

Жорий йилда 86 триллион сўмлик ёки ўтган йилга нисбатан 10 фоизга кўп қурилиш ишлари бажарилиши керак бўлиб, шу мақсадда:

- карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, барча қурилишларни давом эттиришга рухсат берилади;
- қурилиш корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг объектларга бориши учун тўсиқсиз ҳаракатланишига шароит яратилади;
- қурилиш ишларида самарадорлик, маблағларни оптимизация қилишга алоҳида эътибор қаратилади ва 3,6 триллион сўм ҳисобидан бажариладиган лойиҳаларда ортиқча сарф-харажатлар қисқартирилади;
- 2020 йилда 30 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилади.

Шунингдек, инқироз шароитида уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва аҳолининг уйга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўшимча қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди:

- Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига кредитларнинг фоиз харажатларини қисман қоплаш ва кредит суммасининг 50 фоизигача кафолат бериш механизми жорий этилади;
- янги тартиб асосида берилаётган ипотека кредитлари муддати 15 йилдан 20 йилга узайтирилади ва шу орқали ипотекага олинган уй-жойнинг ойлик тўлови миқдори камайтирилади;
- уй сотиб олиш учун бериладиган ипотека кредитининг энг юқори чегарасини қайта кўриб чиқилади, бозор талаблари асосида кўпайтирилади.

### Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қандай ўзгаради?

Қурилиш ишларини кўпайтириш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам оширишни тақозо этади. Шу мақсадда, қуйидаги ишларни амалга ошириш белгиланди:

- импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш. Бунда ДСП ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, сантехника ва газобетон блоклар 2 бараварга, гулқоғоз 3 бараварга оширилса, керамик плиталар ишлаб чиқариш эса 18 миллион квадрат метрга етказилади. Шунингдек, «Кварц» корхонасида йилига 22 миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам 1 июлгача ишга тушиши кутилмоқда;
- пандемия даврида цементни экспорт қилишдаги чекловлар бекор қилинади, қурилиш материалларини экспорт қилишда «Ўзбекистон темир йўллари» томонидан юкни ташиш жараёнида чегирмалар берилиши масаласи ҳам кўриб чиқилади;
- 275 та истиқболли кон ўзлаштирилади. Хусусан, жорий йил апрель-май ойларида Ғозғонда 52 миллион долларлик 14 та лойиҳа ишга туширилса, Шарғунда гипс, Чимбойда керамзит, Пахтачида гранит каби материалларни ўзлаштириш жадаллаштирилади;
- энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 7 та лойиҳани ишга тушириш орқали, газобетон блок ишлаб чиқаришни 1 350 минг куб метрга, базальт плиталар 73 минг тоннага, ойна ишлаб чиқариш эса 40 миллион квадрат метрга етказилади.

### Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилишида ишларни кучайтиришнинг ностандарт чоралари

Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилишида ишларни жадаллаштириш мақсадида инқирозга қарши жамғармадан қўшимча 1,5 триллион сўм, хусусан сув таъминоти бўйича 55 та лойиҳага 500 миллиард сўм ва йўл қурилиши бўйича 1 547 та лойиҳага 1 триллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар ёрдамида орқали жорий йил 1 400 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари, 6 минг километр йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлари бажарилади.

### Узоқ давом этадиган карантин чекловлари реал хавфларни келтириб чиқаради

Мазкур тармоқда ишларни ўз вақтида амалга ошириш учун юқоридаги лойиҳалар зудлик билан бошланиши, халқаро молия ташкилотлари маблағларини ўзлаштиришни тезлаштириш, шунингдек, йўл қурилишига маҳаллий пудрат ташкилотларини жалб қилиш белгиланди. Шу билан бирга, кечиккан лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш учун уч сменали иш ташкил этилган ҳолда иккинчи чоракда жами амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларни 60 фоизга бажаришга эришилади.

Энг муҳими, жорий харажатларни оптималлаштириш орқали ушбу соҳаларнинг самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда. Самарасиз насосларни янгилаш, харажат ва йўқотишларни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгилаб олинмоқда. Бунинг ўзидан электр энергияси ва бошқа харажатларни йилига 7 миллиард сўм миқдорида камайтиришга эришиш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш соҳаси қисқа муддатда янги иш ўринларини яратиш, бозорда талаб ва таклифни шакллантириш орқали инқирознинг салбий таъсирини юмшатади, узоқ муддатда эса юқори иқтисодий ўсишни таъминловчи «ўсиш нуқтаси» ва одамлар ҳаёт фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир.

**Нозимжон ОРТИҚОВ,**
**Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази илмий ходими.**

***Манба:*** *review.uz*

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан киритилган қуйидаги объектлар бўйича

## ҚАЙТА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич қиймат сўм, ҚҚС билан | Қурилиш ишларини туғаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 5-сон мактабни реконструкция қилиш (12x24 метр ўлчамдаги спорт залини ёрдамчи иншоотлар билан қуриш) | 1 478 683 979 | 90 кун |
| 2. | Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги Болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш (2-босқич 150 ўқувчига мўлжалланган янги блокнинг қурилиши) (Корректировка) | 3 184 875 527 | 100 кун |
| 3. | Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 21-сон мактабни реконструкция қилиш (12x24 метр ўлчамдаги қўшимча спорт залини ёрдамчи иншоотлар билан қуриш) | 1 460 900 392 | 90 кун |
| 4. | Тошкент вилояти, Тошкент тумани Ички ишлар бошқармасида 35 ўринли вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг қурилиши (1-босқич) (Корректировка) | 3 913 995 415 | 110 кун |

**Буюртмачи:** Тошкент вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**Манзил:** Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

**Тел./факс:** 71- 231-27-35.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон/факс:** 71-241-15-26, 71-241-15-37;

**Электрон манзил:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта)лар очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймат сўм, ҚҚС билан | Қурилиш ишларини туғаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳридаги 48-сон мактаб қурилиши (1-босқич 420 ўқувчига мўлжалланган бинонинг қурилиши, 12x24 метр ўлчамдаги спорт зали) | 7 968 900 000 | 130 кун |

Буюртмачи: Тошкент вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Манзил: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

Тел./факс: 71- 231-27-35.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон/факс:** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uzмахсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта)лар очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий шаҳридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали биносини реконструкция қилиш | 45 344 540 700 | 1460 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**Манзили:** Навоий шаҳар Навоий кўчаси, 63-уй.

**Тел.:** (79) 224-08-81.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Нурота тумани, Нурота шаҳридаги «ЧАШМА» тарихий мажмуа ҳудуди атрофини ободонлаштириш | 5 370 926 287 | 210 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**Манзили:** Навоий шаҳар Навоий кўчаси, 63-уй.

**Тел.:** (79) 224-08-81.

**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан 15 кунга қадар қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати тендер махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 15 кундан кейин.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, «Пасттом» МФЙда 520 ўқувчи ўринли 1-сонли ихтисослаштирилган мактабни қайта таъмирлаш | 4 084 074 527 | 130 |
| 2. | Хоразм вилояти, Хива шаҳридаги 11-сонли мактабни қайта таъмирлаш | 3 243 614 040 | 130 |
| 3. | Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани, «Гозовот» МФЙдаги 32-сонли мактабни қайта таъмирлаш | 3 294 350 005 | 130 |
| 4. | Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, «Чикирчи» ҚФЙ, «Ангарик» МФЙдаги 20-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш | 3 537 760 711 | 130 |
| 5. | Хоразм вилояти, Хонқа тумани, «Катта Жирмиз» ҚФЙ, «Катта куч» МФЙдаги 21-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш | 2 617 004 144 | 130 |
| 6. | Хоразм вилояти, Хива шаҳар, «Дўстлик» маҳалласида 1-сонли умумтаълим мактаби (100 ўринли собиқ ётоқхона биносини 165 ўринли ўқув биногa мослаштириш) қайта таъмирлаш | 1 904 074 543 | 130 |

**Буюртмачи:** Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

**Тел.:** (62) 223-09-29.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишида танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси,10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 7 май куни, соат 17.00 гача қабул қилинади.

**Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 8 май куни, соат 11.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### «САМАРҚАНДСУВҚУРИЛИШИНВЕСТ» давлат унитар корхонаси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати | Эълон берилган |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Самарқанд вилояти, Кўшработ туманидаги «Окчобсой» сув омборининг иккинчи босқич (инъекция) ишлари | 11 395 976 569 | 570 кун | 2020 йил 14 апрель |

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати | Эълон берилган |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ургут туманидаги «Кучан» каналини реконструкция қилиш | 734 129 667 | 450 кун | 2020 йил 17 апрель |

**Буюртмачи:** «Самарқандсувқурилишинвест» давлат унитар корхонаси.

**Манзили:** Самарқанд шаҳар Мирзо Улуғбек кўчаси, 62-уй.

**Тел.:** (66) 233-25-60, 233-28-21, **факс:** (66) 233-63-20.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Танлов (тендер) иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов (тендер)да қатнашганда, танлов (тендер) таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов (тендер) иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов (тендер) таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов (тендер) иштирокчилари танлов (тендер)да қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов (тендер) ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов (тендер) ташкилотчиси Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони, 2-«Д», 403-хона.

**Тел.:** (66) 233-50-76, 233-32-00, 231-13-51.

Тасдиқланган танлов (тендер) ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Тендер таклиф (оферта)лари очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

## «Насаф риэлт сервис» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 12 май куни, соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳар Амир Темур кўчаси, 74-уйда жойлашган «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда қайта қўйилмоқда:

1. «Микрокредитбанк» АТБ Янги Нишон филиалига қарашли Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган **умумий майдони** – 848,76 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 324,74 квадрат метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси** – 609 044 153 сўм.

2. «Микрокредитбанк» АТБ Муборак филиалига қарашли Муборак тумани, «Тонг» МФЙ, 4-митти туманда жойлашган **умумий майдони** – 2000,73 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 548 квадрат метр бўлган Муборак филиали биноси. **Бошланғич баҳоси** – 1 857 606 300 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққан санадан бошлаб 2020 йил 11 май соат 18.00 дан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида қабул қилинади.

Савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 3 (уч) календарь куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва 30 (ўттиз) календарь куни ичида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, бошланғич баҳонинг 5 (беш) фоизи миқдорида закалат пулини «Насаф риэлт сервис» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 3003 8650 9001 АИКБ «Ипак йўли» Қарши филиали МФО 01119 СТИР 303 037 805.

**Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;
- **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – фуқаролик паспорти, СТИР нусхаси;
- **юридик шахслар** – устав ва гувоҳнома нусхалари.

**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уй.

**Телефон:** (91) 222-37-15, (94) 333-60-99.

**Электрон почта:** Shuhrat682009@mail.ru

**Веб-сайт:** nasaf-nedvijimost.zn.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR -0204-сонли лицензия.*

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси» ДУК Фарғона вилояти филиали

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объектлар номи | Бошланғич нарх ҚҚС билан, сўм | Фойдаланишга топшириш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 13-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 309 695 239 | 210 кун |
| 2. | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги «Навбаҳор» МФЙдаги 28-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 545 780 058 | 210 кун |
| 3. | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 30-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 3 957 792 921 | 240 кун |
| 4. | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги 2-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 4 978 081 969 | 240 кун |
| 5. | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар «Ифтихор» МФЙдаги 22-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 4 780 984 219 | 240 кун |
| 6. | Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, «Боғбон» МФЙдаги 7-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 502 271 707 | 210 кун |
| 7. | Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, «Кокилон» МФЙдаги 8-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 502 271 707 | 210 кун |
| 8. | Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 8-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 491 065 728 | 210 кун |
| 9. | Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 59-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 491 785 418 | 210 кун |
| 10. | Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, «Дехқонтўда» ҚФЙдаги 65-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 460 683 672 | 210 кун |
| 11. | Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, «Чимбой» МФЙдаги 62-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 460 498 260 | 210 кун |
| 12. | Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, «Рапқон» ҚФЙдаги 47-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 485 531 255 | 210 кун |
| 13. | Фарғона вилояти, Боғдод тумани, «Чуваланчи» ҚФЙдаги 23-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 479 986 123 | 210 кун |
| 14. | Фарғона вилояти, Боғдод тумани, «Пахтаобод» ҚФЙдаги 28-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 497 349 039 | 210 кун |
| 15. | Фарғона вилояти, Бувайда тумани, «Янгиҳаёт» МФЙдаги 34-сонли (собиқ) мактабгача таълим ташкилоти | 2 509 573 749 | 210 кун |
| 16. | Фарғона вилояти, Боғдод тумани, «Шурокер» МФЙдаги 30-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 519 313 003 | 210 кун |
| 17. | Фарғона вилояти, Данғара тумани, «Санам» ҚФЙдаги 13-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 376 422 897 | 210 кун |
| 18. | Фарғона вилояти, Данғара тумани, «Ғалаба» ҚФЙдаги 45-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 493 967 254 | 210 кун |
| 19. | Фарғона вилояти, Данғара тумани, «Санам» ҚФЙдаги 23-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 458 007 877 | 210 кун |
| 20. | Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, «Марказий Фарғона» МФЙдаги 24-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 444 524 780 | 210 кун |
| 21. | Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Зилха» МФЙдаги 45-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 3 138 691 957 | 240 кун |
| 22. | Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Шодиёна» МФЙдаги 40-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 898 230 242 | 210 кун |
| 23. | Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, «Файз» ҚФЙдаги 33-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 438 689 061 | 210 кун |
| 24. | Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, «Пахтакор» ҚФЙдаги 42-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 1 964 928 220 | 210 кун |
| 25. | Фарғона вилояти, Қува тумани, «Оққўрғон» МФЙдаги 11-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 1 503 605 665 | 180 кун |
| 26. | Фарғона вилояти, Риштон тумани, «Фаровонлик МФЙдаги 25-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 404 964 911 | 210 кун |
| 27. | Фарғона вилояти, Риштон тумани, «Ёйилма» МФЙдаги «Райхон» 57-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 1 982 591 347 | 210 кун |
| 28. | Фарғона вилояти, Риштон тумани, «Боғистон» МФЙдаги 55-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 443 994 851 | 210 кун |
| 29. | Фарғона вилояти, Риштон тумани, «Узункўча» ҚФЙ ҳудудидаги 54-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 554 177 009 | 210 кун |
| 30. | Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, «Сойбўйи» МФЙдаги 23-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 473 379 056 | 210 кун |
| 31. | Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, «Қумариқ» МФЙга №16-мактабгача таълим ташкилоти | 2 473 768 681 | 210 кун |
| 32. | Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, «Қайқуобод» МФЙдаги 56-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 467 503 084 | 210 кун |
| 33. | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, «Собиржон» МФЙдаги 18-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 644 981 351 | 210 кун |
| 34. | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, «Собиржон» МФЙдаги 20-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 382 941 213 | 210 кун |
| 35. | Фарғона вилояти, Фурқат тумани, «Шунокор» МФЙдаги 16-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 513 018 813 | 210 кун |
| 36. | Фарғона вилояти, Фурқат тумани, «Чиркай» МФЙдаги 8-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 519 012 718 | 210 кун |
| 37. | Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Юқори Миндон» МФЙдаги 56-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 570 576 014 | 210 кун |
| 38. | Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Қорасув» МФЙдаги 24-сонли мактабгача таълим ташкилоти | 2 505 559 954 | 210 кун |

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги «Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси» ДУК Фарғона вилояти филиали.

**Манзили:** Фарғона шаҳар Мурувват кўчаси, 35-»б» уй.

**Тел.:** 90-160-67-00.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари лозим.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Фарғона вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй.

**Тел./факс:** 73-244-68-91, 73-244-68-92. .

Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот dxarid.uz порталидан юклаб олиш мумкин.

**Таклиф (оферта)лар очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Фарғона шаҳар ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, тендер ташкилотчиси биноси.

# ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

### такрорий очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

«Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига, «Чорсу буюм савдо комплекси» АЖнинг 2020 йил 20 апрелдаги 31-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 42-«В» уйда қурилиши режалаштирилаётган савдо шохобчаларини ижарага олиш ҳуқуқи такроран қўйилмоқда:

1. 1-блок 1-дўкон, умумий майдони 7,8 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 44 332 080 сўм.

2. 1-блок 1а-дўкон, умумий майдони 7,8 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 44 332 080 сўм.

3. 2-блок 2-дўкон, умумий майдони 9,0 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 16 686 000 сўм.

4. 2-блок 3-дўкон, умумий майдони 9,0 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 16 686 000 сўм.

5. 2-блок 4-дўкон, умумий майдони 9,0 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 16 686 000 сўм.

6. 2-блок 5-дўкон, умумий майдони 9,0 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 16 686 000 сўм.

7. 2-блок 6-дўкон, умумий майдони 9,0 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 16 686 000 сўм.

8. 3-блок дўкон, умумий майдони 15,6 квадрат метр бўлган ташқари савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 88 664 160 сўм.

9. 4-блок дўкон, умумий майдони 17,5 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 99 463 000 сўм.

10. 5-блок 12-дўкон, умумий майдони 9,5 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 53 994 200 сўм.

11. 5-блок 13-дўкон, умумий майдони 13,2 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 75 023 520 сўм.

12. 5-блок 14-дўкон, умумий майдони 10,0 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 56 836 000 сўм.

13. 5-блок 15-дўкон, умумий майдони 9,4 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 53 425 840 сўм.

14. 5-блок 16-дўкон, умумий майдони 9,0 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 51 152 400 сўм.

15. 5-блок 17-дўкон, умумий майдони 10,3 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 58 541 080 сўм.

16. 6-блок 30-дўкон, умумий майдони 16,6 квадрат метр бўлган савдо шохобчасининг **бошланғич баҳоси** – 51 294 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Талабгорларнинг таклифлари 2020 йил 30 апрель куни, соат 11.00 дан** бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2020 йил 27 апрель куни, соат 18.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги савдо шохобчаларининг ижара ҳуқуқлари 2020 йил 30 апрель куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2020 йил 7, 14, 21, 28 май ва 4, 11, 18, 25 июнь кунлари соат 15.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилиши белгиланган кундан уч кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги хужжатларни тақдим этишади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар, тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Тел.:** (71) 237-23-96.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## «Respublika mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй манзилида сақланаётган қуйидаги мулк такроран қўйилмоқда:

2009 йилда ишлаб чиқарилган «Шевроле Ласетти» русумли давлат рақами 01 270 GAA бўлган, техник ҳолати қониқарли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 58 908 718 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 30 апрель куни, соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 28 апрель куни, соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2020 йил 30 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 7, 14 май кунлари, соат 15.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш савдо бўлишидан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

**Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошланғич баҳоси 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## «Respublika mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тегишли Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«а» уй манзилида сақланаётган 2015 йилда ишлаб чиқарилган «Малибу» русумли, давлат рақами 01 278 QGA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 96 503 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 25 май куни, соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 22 май куни, соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2020 йил 30 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2020 йил 2 июнь куни, соат 15.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш савдо бўлишидан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

**Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошланғич баҳоси 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

«O‘ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасига
2020 йил учун обуна давом этмоқда!
Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz
Обуна индекси 466

# Абадиятга дахлдор ишлар

(Давоми. Боши 1-бетда)



Бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш соҳасида 1 миллион 325 мингдан зиёд ҳамюртимиз иш билан банд. Агар уларнинг оила аъзолари билан қўшиб ҳисоблаганимизда юртимиз аҳолисининг салкам 15 фоизи ана шу соҳа билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз-ўзидан мамлакатимиз аҳолиси фаолият юритаётган энг катта тармоқлардан бири эканини англаш мумкин. Карантин даврида қурилиш ҳажми камайишига йўл қўймаслик мақсадида бу соҳага қўшимча 3,6 триллион сўм маблағ ажратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида қурилиш ишлари ҳажми 6,5 фоизга ўсган бўлса-да, ўтган йилнинг шу давридан 4 фоизли бандга орқада қолмоқда. Энг муҳими, аҳоли учун жорий йилда 30 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ана шу каби режаларни тўлиқ бажарилишини эътиборга олиб, йиғилишда қайд этилганидек, карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, барча қурилишларни давом эттиришга рухсат берилди. Шу билан йиғилишда қурилиш материаллари бозори билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Карантин даврида мазкур индустрия корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми 30-40 фоизга камайиб, ўз навбатида, хомашё маҳсулотлари ҳам сотилмай қолган. Шундан келиб чиқиб, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясига биринчи ярим йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни 10 триллион сўм ва йил охиригача 22 триллион сўмга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу кунгача Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, йирик қурилиш объектларида, хусусан махсус шифохоналар қурилишида ишлар давом этаётган эди.

Эндиликда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда барча қурилишларнинг давом эттирилиши бугун мамлакатимизнинг миллионлаб қурувчилари, уларнинг оила аъзолари ва Ватан олдидаги бурчлари икки ҳисса ортганини ҳис қилишмоқда. Жамиятга нафим тегсин, оиламнинг орзу ва умидлари менинг фаолиятим билан чамбарчас боғлиқ деб тушунишмоқда.

– Биз ҳам шу юртнинг ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Оллоҳга шукр, 2 нафар фарзандим бор. Оилам тинч ва айни шу кунларда оиламга кўмак бераётганимдан жуда ҳам хурсандман. Албатта, қурилиш майдонларида карантин қоидаларига қатъий амал қиляпмиз. Маскалар, бир марталик стериллланган қўлқоплар, ниқоблар билан таъминланганмиз. Масофани сақлаган ҳолда бир-биримиз билан иш жараёнини олиб боришимиз зарурлиги ҳақида биз қурувчиларга тушунтириш ишлари олиб борилди. Ҳар икки соатда қўлқоплар ва ниқобларни алмаштириб турамиз. Топаётган даромадимиз билан оиламизни боқишга, қолаверса кам таъминланган юртдошларимизга кўнгилли тарзда ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз. Зеро, бу ҳам савоб ҳам шарафли иш. Президентимиз мана шундай шароитлар яратиб берибдиларми, демакки, биз ҳам сидқидилдан меҳнат қилишга ҳамиша тайёрмиз. Мен қурувчи эканимдан фахрланаман, – дейди пойтахтдаги йирик қурилиш майдонларидан бири ҳисобланган «Tashkent City» қурилишида иштирок этаётган қурувчи Илҳом Ниёзов

Кейинги йилларда мамлакатимиз қурилиш кўлами кескин ортди. Биргина жорий йилни таҳлил қиладиган бўлсак, 2020 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида 2 213 та ижтимоий объектларнинг капитал қурилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 676 таси йилдан-йилга ўтувчи, 1 537 таси янгидан бошланадиган объектлардир. Кўриниб турибдики, йил давомида қилинадиган ишлар кўп.

Умидимиз, эртанги кунга бўлган ишончимиз, барча марра ва мақсадларнинг рўёбини таъминлайди. Дуолар, яхши амаллар эса инсонни улуғлайди. Меҳнат чин маънода инсонни тарбиялайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қурилиш объектларида ишлаётган қурувчилар орасида ёшлар ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўз мақсади сари дадил қадам ташламоқда.

– Бу ерда мен каби ёшлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди биз билан суҳбатда «Tashkent City» қурилиш объекти ишчиси Арман Турғунбоев. – Ҳозирда уларнинг аксарияти қурилишнинг сир-асрорларини мукаммал эгаллаб келгусида ўз қурилиш компанияларини очиш, юртимизга сидқидилдан меҳнат қилиш иштиёқидагилари ҳам бор. Ота-оналаримиз ва яқинларимиз бу ерда меҳнат қилиб, ўз оилавий даромадимизга эга бўлиб бораётганимиздан мамнун. Ҳар тонг ота онамиз дуолар қилиб бизни ишга кузатиб қўйишади, биз эса уларнинг ишончини ўз меҳнатимиз билан оқлашга ҳаракат қиляпмиз.

– Ишчиларимизнинг 95 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ота-оналаридан ҳар куни миннатдорчиликлар эшитамиз. Фарзандимиз ҳам бир касбнинг эгаси бўлди, оиламизга ёрдам беряпти, айниқса бугунгидек синовли дамларда сидқидилдан меҳнат қилишяпти, деб хурсанд бўлишмоқда улар. Президентимизнинг видеоселектор йиғилишидаги сўзлари бизни янада руҳлантирди. Энг асосийси, ёшларга катта эътибор қаратилаётган бир вақтда ишлайман деганга иш бор, истаганларга касб ўргатамиз, – дейди тажрибали уста бинокор Мухтор Аҳмедов.

Пойтахтимизда қад ростлаётган кўз ўнгимизда улуғворлик томон талпинаётган шаҳар ичидаги шаҳарлардан яна бири «Akay City» қурилиш майдонида ҳам иш қизғин. Бугунги қийин фурсат, карантин даврида ҳам бу ерда ишлар бир маромда ташкил этилди. Фақат ҳозир бу ерда қурилиш ишларидаги тартиб-қоидалар бироз ўзгарган. Эндиликда қурилиш иншоотида сифат кўрсаткичи энг биринчи талаб бўлса-да, қурувчи-ишчиларнинг саломатлиги ҳам бирламчи масалалар қаторига киритилган. Илгари қурувчилар томонидан техника хавфсизлигига эътибор берилган бўлса, ҳозирда уларнинг соғлигига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

– Карантин даврида ҳам биз - қурувчилар меҳнат қиляпмиз. Бу ерда қурувчиларнинг вирусдан ҳимояланишига катта эътибор қартилган. Чунки, ишчиларнинг саломатлиги биноларнинг тез ва сифатли қурилишида жуда ҳам муҳим ҳисобланади, – дейди қурувчи-муҳандис Султон Яҳёев

Карантиннинг илк кунлари ходимлар соғлиғини эҳтиёт қилиш чоралари сифатида қурилиш объектидаги иш ўринлари қисқартирилган бўлса, бугун санитар-қоидалар кучайтирилиши эвазига иш кўламига монанд мутахассислар сафини кенгайтириш иілари олиб борилмоқда. Чунки «Akay City»да ҳозирги барпо этилган осмонўпар турар жой ёнида яна 2 та 35 қаватдан иборат биноларни, шунингдек, режалаштирилаётган яна бир нечта блоклар қурилиши бор.

– Карантинга қарши барча чораларни қўллаган ҳолда қурилиш ишларини давом эттирмоқдамиз, – дейди қурувчи-муҳандис Алишер Қиличев. – Қанча қийинчилик бўлишига қарамасдан, ҳар қандай вазиятда ҳам биноларни ўз вақтида қуриб топширишни мақсад қилганмиз. Ишчиларимиз сонини 600-700 нафарга кенгайтиришни режалаштирганмиз. Ҳозирда «Akay City» турар жой мажмуасининг 3-босқичини қуриш ишларини бошлаш арафасидамиз.

Бу кунлар инсон матонатини синовдан ўтказадиган дамлар. Аммо ҳаммаси ортда қолади. Бунёдкорлик, ободончилик, яхшилик каби эзгу амаллар эса абадиятга дахлдор тушунчалар бўлиб инсониятни юксакликка етаклайверади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Савол сиздан, жавоб биздан

**САВОЛ: Карантин даврида қурилиш ишлари тўхтатилган эди. Кейинчалик қисман рухсат берилганини эшитдим. Шу ҳақида маълумот берсангиз.**

**ЖАВОБ:** Тўғри, карантин даврида барча қурилиш объектларида ишлар тўхтатилган эди. Жорий йилнинг 14 апрель куни Республика махсус комиссияси ва Махсус штабнинг қўшма йиғилиши қарорига асосан мамлакатимиздаги йирик объектларда қурилиш ишлари давом этиши белгиланди. Айтиб ўтиш керак, ҳозирги кунда мамлакатимиз қурилиш тармоғида 1 миллион 325 минг ҳамюртимиз меҳнат қилади, оиласини боқади. Куни кеча Президентимиз томонидан **саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида,** эндиликда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, барча қурилишларда ишлар давом эттирилиши зарурлиги таъкидланди. Яна бир бор эслатиб ўтиш керакки, карантин қоидаларига тўлиқ риоя этилиши назоратга олинади.

**САВОЛ: Мамлакатимизда қурилаётган карантин зоналари ва шифохоналар, уларнинг имкониятлари ва қурилишнинг бориши ҳақида маълумот берилса.**

**ЖАВОБ:** Бугунги кунда коронавирусга чалинган беморларни даволаш юзасидан берилган топшириқ ижросини таъминлаш бўйича Қурилиш вазирлиги томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент ҳамда Наманган вилоятларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Улардан энг каттаси, Зангиота туманида бунёд этилаётган махсус шифохона бўлиб, бу ерда ишлар икки сменада ташкил этилган. Ишнинг кўлами жуда ҳам катта. Ишлар барча босқичларда параллел ташкил этилган, хусусан биноларнинг пойдевор ишлари, металл каркаслар монтажи, сендвич панелли деворлар ўрнатилиши, ички пардозлаш ишлари ва муҳандислик тармоқларини ўрнатиш ишлари амалга ошириляпти. Шу йилнинг 5 майига қадар 2 000 ўринга мўлжалланган блок фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда объектга 2550 га яқин ишчи, муҳандислар ва 600 дан ортиқ оғир техника жалб қилинган.

Қолаверса, пойтахтимизнинг ўзида иккита жойда, 3 та шифохонанинг қурилиш ишлари олиб бориляпти.

Наманган вилоятининг Поп тумани Ғурумсарой қишлоғида 1200 ўринли карантин ҳудуди ва 150 ўринли махсус шифохона қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Барчага маълум, айни кунларда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида 53 га ер майдонида умумий сиғими 20 000 ўринли аҳолини вақтинча карантинда сақлаш мажмуаси қуриляпти. Объектнинг 10 000 ўринга мўлжалланган биринчи қисми фойдаланишга топширилиб, карантин учун одамлар жойлаштирилди. Объект қисқа муддатларда тўлиқ фойдаланишга топширилади. Бугунги кунда у ерда 3000 дан ортиқ ишчи ва муҳандислар, 200 га яқин техника ишламоқда.

**САВОЛ: Қурилаётган карантин зоналари ва шифохоналардан келажакда қандай мақсадларда фойдаланилади?**

**ЖАВОБ:** Мажмуаларда яратилган шароитларни эътиборга олиб, келгусида уларнинг ҳар биридан кўп тармоқли шифохона сифатида фойдаланса бўлади. Шифохоналар қисқа вақт ичида қуриляпти, лекин жаҳон талаби ва меъёрлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидимиология хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ёнғинга қарши бош бошқармаси ҳамда «Узтиблойиҳа» ихтисослашган лойиҳа ташкилоти билан биргаликда тиббий технологик жараёнга асосланган лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ушбу мажмуалар келажакда республикамиз аҳолиси учун беминнат хизмат қилади.

Карантин зоналари эса карантин ҳолати якунлангач, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария эпидимиологик осойишталик агентликлари билан келишган холда самарали ишлатилиши ташкил этилади.

**САВОЛ: Пандемия даврида қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш қай тарзда амалга оширилади?**

**ЖАВОБ:** Соҳадаги назорат тизими бир неча босқичли бўлиб, буларга техник назорат, муаллифлик назорати, ички назорат ва давлат инспекцияси назоратидан иборат. Бу ишлар Республика махсус комиссияси тавсияларига кўра масофадан туриб амалга оширилиши, бунда видео кузатув, ахборот алмашувининг электрон тизими, кунлик фото ва видео ҳисоботлардан кенг фойдаланилади. Ушбу ҳисоботлар «вахта» услубида ишлайдиган пудрат ташкилотларининг ички назорат ходимлари томонидан тайёрлаб борилади. Қурилиш объектига тўғридан-тўғри чиқиш ҳолатларида ходимлар ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланиши учун тегишли ташкилотлар томонидан чоралар кўрилган.

**САВОЛ: Мен Тошкентда яшайман ва Навоий вилоятидаги тендер савдоларида қатнашмоқчиман. Шу муносабат билан тендер савдоларига таклиф пакетларини карантин сабабли шахсан етказиб беришнинг иложи йўқ. Шу муносабат билан қайси тартибда ёки қандай қилиб таклиф пакетларини тендер ташкилотчисига етказсам бўлади?**

**ЖАВОБ.** Карантин вақтида «Ўзбекистон почтаси» АЖ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча бўлимлари ўз иш фаолиятини амалга оширмоқда. Таклиф пакетларини тендер ташкилотчисига етказиб беришда ҳозирча «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг почта хизматларидан фойдаланиш мумкин. Лекин қўшимча қилиб айтишимиз мумкинки, бугунги кунда Қурилиш вазирлиги тизимидаги барча хизматлар рақамлаштирилмоқда, айнан лойиҳалар тендер савдолари ҳам 1 июлдан электрон кўринишга ўтказилади ва босқичма-босқич бошқа хизмат турлари ҳам онлайн тарзида амалга ошири бошланади.

**САВОЛ: Карантин қоидаларига биноан 3 кишидан ортиқ шахсларнинг мажлис ва йиғилишлар ўтказмаслиги кўрсатиб ўтилган. Ҳозирги шароитда тендер савдоларида комиссия аъзолари ва талабгорлар қандай иштирок этади?**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги қарорига кўра тендер савдолари «онлайн» тарзда ўтказилиши белгиланган. Комиссия аъзолари ва талабгор пудратчилар тендер савдоларида видеоконференция алоқаси орқали замонавий технологиялар (смартфонлар ва веб камералар)дан фойдаланган ҳолда, бунда қайси платформалар фойдаланиш «Буюртмачи» ва талабгорларнинг келишуви асосида амалга оширадилар.

***Мисол учун:*** *16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Автойўл қўмитасининг йўл қурилиши объектлари тендер савдолари «ZOOM» андроид дастури орқали «Буюртмачи» ва талабгорлар иштирокида видеоконференция алоқаси орқали онлайн савдолар ўтказилди.*

**САВОЛ: Карантин шароитида қурилиш материалларини қандай тартибда сотиб олсак бўлади?**

**ЖАВОБ.** Ҳозирги кунда Президентимизнинг кўрсатмаларига асосан қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқарилишини кенгайтириш бўйича барча чора-тадбирлар кўриляпти.

Импорт ўрни босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли ортди. Қурилиш материалларини сотиб олиш ҳозирги кунда барча ишлаб чиқарувчиларга интернет тармоғи орқали ўзларининг ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали харидорлар билан алоқалар ўрнатиш ва маҳсулотларни махсус дезинфекция қилинган автомобилларда қурилиш жойига етказиб бериш бўйича ҳам вазифалар юкланган. Бу бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**САВОЛ: Карантин вақтида лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш қандай амалга оширилади?**

**ЖАВОБ:** Республика миқиёсида махсус гуруҳ тузилган бўлиб, лойиҳаларнинг 90 фоизи электрон шаклда қабул қилиниши йўлга қўйилган. Аслида бу тизим жорий йилнинг август ойида ишга тушиши белгиланган эди, лекин бугунги карантин даврида ишларнинг узлуксиз давом этишини таъминлаш ва буюртмачиларга қулайлик яратиш мақсадида муддатидан илгари ишга туширилди.

Бунда, бу тизим орқали инсон фактори олди олинган, яъни «буюртмачи» ва экспертиза вакили бир бирини кўрмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати.**

МУТАХАССИС МИНБАРИ

# Ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёз катта

**Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шарт-шароит яратиш, турли имтиёзлардан фойдаланиш борасида тинимсиз ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган қонун ва қарорларга мувофиқ улар ҳар томонлама ижтимоий ҳимояга олиниб, турли имтиёз ва енгилликлардан баҳраманд бўлишаяпти. Масалан, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус касбий ва ижтимоий реабилитация дастури ишлаб чиқилганлиги фикримизнинг исботидир.**

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари томонидан имконияти чекланган инсонларнинг розилиги билан уларнинг қонуний вакили иштирокида организм функциясининг бузилиш тури ва чекланиши даражасига қараб реабилитациянинг якка тартибдаги дастури (РЯТД) фаолият кўрсатмоқда. 16 ёшдан катталар ва шу ёшга етмаганлар учун алоҳида-алоҳида ҳужжатда тиббий, касбий ва ижтимоий тавсиялар индивидуал танлаб олинган бўлиб, даволаш-профилактика муассасалари, реабилитация, бандликка кўмаклашиш марказлари, иш берувчи корхона, ташкилотлар ушбу дастур бўйича ўз вазифаларини бажарадилар. Меҳнат билан шуғулланиш ҳуқуқини олган ногиронлиги бўлган шахслар айнан шу дастур асосида иш билан таъминланиши, унга ишлаш шароити яратиб берилиши мумкин.

Жамоа ёки якка тартибдаги меҳнат шартномасида белгиланадиган иш шароитлари, жумладан ҳақ тўлаш, ишлаш ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда қўшимча таътилларнинг муддати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ёки ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат шароитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Ногиронлиги бўлган шахс ўзи билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Шундай экан, ТМЭК томонидан кўрикдан ўтказилиб, ногиронлик гуруҳи белгиланган ва меҳнат билан шуғулланиш лаёқатининг бузилиши биринчи, иккинчи даража бўлган ҳар бир фуқаро Бандликка кўмаклашиш марказига ишга тавсия йўлланмалари билан таъминланади. Марказ ходимлари бўш турган касб учун меҳнат қобилияти, соғлиги, билим ва малака даражасидан келиб чиққан ҳолда энг мосини танлаб олиш тушунтирилади ва ҳар томонлама бандлигини таъминлаш чораларини кўради.

Ногиронлиги бўлган шахсни ишга жойлаштириш жараёнида у учун умумий ёки ихтисослаштирилган корхонада иш ўрнини топиш, унга саломатлигига мос равишда махсус иш жойини яратиш, махсус дастур асосида ишга жойлаштиришни ташкиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Касбга йўналтиришда меҳнат бозори иш берувчининг талабларига мос равишда шахсий қизиқишлари, касбий маслаҳат, психологик қўллаб-қувватлаш йўли билан кўмаклашилади. Ҳудудий БКМ ва ТМЭКлар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш, ўқитиш ва касбга ўргатиш бўйича чора-тадбирлар ҳамкорликда тузилади ва бажарилиши назорат қилинади.

Бундан ташқари, ТМЭКлар томонидан реабилитация потенциали бўлган (соғайиш потенциали) ногиронлар ҳудудий ва миллий реабилитация марказларига стационар даволаниши учун ордерлар билан таъминланади. Муҳтож ногиронлик аломатлари бўлган шахсларни реабилитация техник воситалар ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминланиши ҳам мақсадга мувофиқлиги белгиланган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, жамоага коммуникатив мослашувининг такомиллаштирилиши ҳам РЯТДга киритилади ва бажарилиши алоҳида аҳамиятга эга.

**Наргиза БАКИЕВА,**
**Самарқанддаги 54-бош ТМЭК эксперт-неврологи.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таникулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият),
71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-453.
2164 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 22.30. Топширилди – 23.30.

12345